

LITERARY HERO – AS AESTHETIC AND ETHICAL CATEGORY

Barchin Shukurova

Basic doctoral student, Institute of the Uzbek language,
literare and folklore of the Academy of Scinces of the Uzbekistan, Tashkent, Uzbekistan

Annotation:

In this article, a comparative study of Lukman Burikhan's story "The Expected Day" was carried out, which shows that falling into the whirlpool of "mass culture" can cut off a person from national values and weaken his spirituality.

Keywords:

Story, leitmotif, psychological portrait, creative style, point of view poetics, creative concept, storyteller, identification, artistic analysis, poetic research

Луқмон Бўрихоннинг аксарият ҳикояларида кўпчилик (жамоа)нинг алоҳида одам (индивид) га муносабати масаласига урғу берилган ҳолатларга дуч келамиз. Бу жиҳатдан адабнинг "Кутилган кун" ҳикояси айниқса, характерлидир. Ҳикояга Р.Парфининг "Бир ёруғлик излайман ҳамон"¹ жумласи эпиграф қилиб олинган. Ёзувчи шу эпиграф орқали асл мақсадига ишора қилган. Бу ишора эса, китобхон эътиборини ҳикоя матнидан сизиб ўтадиган асосий ғоявий-эмоционал руҳ² – лейтмотивга йўналтиради. "Кутилган кун" ҳикояси қаҳрамони Бойхон исмли йигит икки ой олдин аммасининг қизига уйлантириб қўйилган. Келин оиласда эр ва аёлнинг ўрни ҳақидаги анъанавий ментал тасавурлар руҳида тарбия топган. Кейинги пайтларда ёш келин кўзларида пайдо бўлган ўйчанлик, яъни психологияк портрет³ унинг руҳий дунёсида кечётган пўртаналарга ишора қиласди.

Маълумки, Абдулла Қодирий "Тошпўлат тажанг нима дейди?" номли ҳикоясида муаммонинг асл илдизларини ишоравий мазмунга яширган, яъни Туркистонда "одамзоднинг юзтаси тўққуз пул" бўлган – иқтисодий начорлик ва йўлсизлик туфайли миллий қадриятларга путур ета бошлаган даврни киноя, кесатиқлар билан ифода этган эди. Чўлпон эса, "Ойдин кечаларда"⁴ ҳикоясидаги Қодиржон ва умумлаштирувчи тип Аннахон образлари орқали долзарб ижтимоий-маиший муаммолар – ичкилиkbозлиқ ва фахшга берилиш иллатининг маҳаллий халқ вакиллари орасида илдиз отаётганини чуқур надомат билан бадиий ифодага кўчирган эди.

Замонавий ўзбек ҳикоячилиги ҳам "оммавий маданияти" инсон қалбидаги яхшини ёмондан, оқни қорадан, ҳақни ботилдан фарқлайдиган нур – маънавий-руҳий тафаккурни сўндиришини кўрсатишга интилмоқда. Чунки руҳ поклиги ҳамда иймон мусаффолиги ҳамиша эътибор ва муҳофазага муҳтож⁵.

Йирик чўлпоншунос олим, профессор Д.Қуронов Чўлпоннинг "Ойдин кечаларда" ҳикоясини таҳлилга тортаркан, унинг жанр хусусияти, яъни адаб ижодий услубига хос воқеа-ҳодисаларнинг пластик жонлантирилиши – "нуқтаи назар поэтикаси"га алоҳида эътибор қаратади.⁶ Бизнингча, ҳикоянинг адаб ижодий концепцияси билан боғлиқ жиҳатлари,

¹ Луқмон Бўрихон. Тун қаъридаги шуъла. Қисса ва ҳикоялар. "ШАРҚ" НМАК Бош таҳририяти. – Тошкент: 2012, – Б. 146-155.

² Литературный энциклопедический словарь. Советская энциклопедия, . – Москва., 1987. – С. 178.

³ Литературный энциклопедический словарь. Советская энциклопедия, . – Москва., 1987. – С. 289.

⁴ Чўлпон. Ойдин кечаларда. – Бу ҳикоя ҳикоя илк бор "Инқилоб" журналининг 1922 йилги 7 – 8 қўшма сонида чоп этилган. Сўнгра 1925 йилда Элбек тузган "Гўзал ёзгичлар" китобига киритилган. (Тадқиқотда Чўлпон. Асарлар. Уч жилдлик. Йккинчи жилд. – Тошкент, Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1993. – Б. 282-285 да берилган матнга таянилди. Б.Ш.)

⁵ Донолар ичкилиkbозлиқ ҳакида. – Тошкент, "Медицина", 1990, – Б.15.

⁶ Қуронов Д. Чўлпон насли поэтикаси. "ШАРҚ" НМАК Бош таҳририяти, – Тошкент, 2004 – Б.38-42.

муаммонинг этик ва эстетик қимматини кузатиш ҳам фойдадан холи эмас. Маълумки, “Ойдин кечаларда” ҳикоясида бир ярим ой давомида тунларни тонгга улаб, сабр-бардош билан эрини кутган, қадри топталган келин хўрсиниқлари йигига айланади. Қайнонанинг “– Отаси ҳам шундоқ, қизим...”⁷, деган аламнок иқоридан сўнг, яъни ҳасратлашиш туфайли ошкор бўлган баҳтсизлик туфайли икки дил – гулдай ёшлиги сарғайиб-сўлган кампир ва энди шу тақдирни кечинишга маҳкум гулдай келиннинг уйқаш тақдирни ўзаро бирлашади. Шу боис, қайнонанинг олдинги қаҳрли “адаб бериш”лари зумда меҳр-марҳаматга эврилади. Ёзувчи ҳатто кўламдор фожия тасвирида ҳам китобхон қалбига ойдин бир нур олиб киришга муваффақ бўлади. Агар, “– Отаси ҳам шундоқ..” таъкиди назарда тутилса, Чўлпон оталар ва болалар муаммоси, яъни фарзанд тарбиясида ибрат бўлиш нақадар мухим аҳамият касб этишига урғу бергани, ҳикояда маърифий хulosага келгани аён бўлади.

Л.Бўрихон “Кутилган кун” ҳикоясини: “– Бойхон бу қунни илҳақ қутган эди,” жумласи билан бошлайди. Илк жумла мутолаасидан сўнг, беихтиёр: Қаҳрамон қайси кунни, нима учун катта умид ва муштоқлик билан кутган эди? Ўша куни қандай воқеа-ҳодиса содир бўлиши керак эди? Хўш, у содир бўлдими? Бордию, кутилган нарса содир бўлмаган бўлса, бу ҳол қайси сабабларга кўра рўй берган? -деган саволлар пайдо бўлади. Китобхон ровий томонидан ўртага ташланган тугуннинг жавобини топишни, билишни истайди.

Адиб Бойхоннинг кайфият-ҳолини юракни увиштирувчи манзаралар фонида тақдим этади. У тарам-тарам бўлиб кетган дараҳтга беҳол суюниб, чуқур-чуқур нафас олади. Борлиқ секин-аста кулранг қоронғилик қаърига сингиб боради ва бетиним чайқалади. Оёқ остида бетартиб сочилиб ётган нарсалар бу маконда сал олдин содир бўлган воқелик ҳақида тасаввур ўйғотади. Ҳа, у одатдагидай яна маст ҳолда эди.

Китобхон қаҳрамон афсус-надоматли юрак уриши ритми (“чуқур-чуқур нафас олади”) ни тинглайди. Бойхон суюнган қадимий дараҳт танасидаги тарам-тарам излар, кулранг қоронғилик, чайқалаётган дунё тасвирларига яширган ишоравий мазмунни чуқурроқ англаш, билиш истаги ортади. Чунки, Бойхонни қуршаб олган муҳит – юз бераётган бадиий реаллик муносабат билдириш истагини ўйғотади. Шу боис, ҳар бир китобхон ўз компитентлиги, қобилияти, ҳаётий тажрибаси, ҳиссий идрок ва тасаввурига таяниб вазиятни анализ қила бошлайди. Унинг ички дунёсида миллий ва умуминсоний қадриятлар тизими орқали асл моҳиятни мушоҳада қилиш, умумлаштириш ва мантиқий боғланишларни излаш, ҳаракат-ҳолатларнинг мотивларини идрок қилиш – идентификациялаш жараёни ишга тушади.

“– Энди ҳеч ўнгарилемаслигим тайин, охирги умидим ҳам қул бўлди, тамом”⁸, - деган хulosага келиш Бойхон ва унга қўшилиб китобхон кўнглида ҳам ғашлик пайдо қиласди. Гарчи, қаҳрамон афсуслари бирор фойда беришига унчалик ишонилмаса ҳам, надоматнинг симтомлари ҳали тўла очилмагани боис, ҳикоянинг давомини ўқиш иштиёқи кучаяди.

Хуллас, адиб бизни сюжет воқеаларини идрок қилишга тайёрлаш асносида, руҳиятимизда муайян эмоционал-ҳиссий кайфият ҳосил қилишга ҳам эришади. Сўнгра асар воқелиги, – қаҳрамон тушган айни ҳолатдан олдинги тарих билан таништиради. Яъни Бойхон бир юмалаб бошқа одамга айланиб қолмаганини далиллашга ўтади. Бошқачароқ айтганда, одатдагидай вужудга келган оқибат сабабини излаш эмас, балки сал бошқачароқ йўсунда, замонавий насрга хос ифода тарзига амал қилиб, оқибатдан унинг сабабига қараб боради. Сабабини нарсанинг ўзидан излайди. Бинобарин, детерминист сифатида қолади. Шунинг учун тасодиф ва истисноларни инкор қиласди. Бинобарин, ҳикояда воқеа азал котиби иродаси билан содир бўлди, -деган мазмундаги теологик қараш кузатилмайди.

⁷ Чўлпон. Асарлар. Уч жилдлик. Иккинчи жилд. – Тошкент, Fafur Fulom nomidagi Adabiёт va san'at nashriёti, 1993. – Б.285.

⁸ Лукмон Бўрихон. Тун қаъридаги шуъла. Қисса ва ҳикоялар. “ШАРҚ” НМАК Бош таҳририяти. – Тошкент: 2012, – Б. 146.

Демак, Л.Бўрихон ижодий нияти, этик ва эстетик концепциясига кўра: Бойхон психопотологик жиҳатдан шундай ҳолга тушиши муқаррар. Шу ўринда ҳикоядаги бадиий таҳлил сифат жиҳатидан ўзгариб, поэтиқ тадқиқ мақомини олади: “У бир қучоқ совға келтириб, хотинини туғилган куни билан қутламоқчи, унинг лабларида ширин бир табассум кўрмоқчи, сўнгра эса ўзи орзу қилган ўша ўрик гуллари ифорига бурканиб, ҳамма-ҳаммасини – ўз ҳаётини, турмушини қайтадан бошламоқчи эди”. (146- б.)

Мана, ниҳоят романтик орзуларга вобаста мақсад-муддао ойдинлашди. Бойхон атрофдагиларни бездирган ранг-туссиз оламдан кўра мукаммалроқ дунё яратишга интилади. Воқелик билан ўз идеали орасида номутаносиблик борлигини чуқур ҳис қилмагани боис, ўз орзуларини амалга ошира билишига ишонади. Албатта, Бойхон илдизи билан йўқотмоқчи бўлган нуқсоннинг асл сабаби ўзида эканини ҳам яхши билади. Айниқса, ўнгланишга ниятланган кезларида унинг ички оламига хос асрорлар кенгроқ очилади. Л.Бўрихон кундалик ҳаётда майшат қулига айланиб бораётган одамнинг қалби ва онгидаги ички зиддиятлар, изоҳлаш қийин бўлган кайфият-ҳолатларни тасвирга кўчиради.

Дарҳақиқат, Бойхон дабдурустдан ўнгланишга қарор қилмайди. Бу жараён изтиробли ўйлар гирдобида қолиш, ўз-ўзини тафтиш қилиш орқали кечади. Жумладан, кекса онаси беозор нолишларидан Бойхоннинг боши ҳам, қайноаси таъна-танбехлари тошбўронидан кўнгли эзғин, айниқса ёш келиннинг овозсиз илтижоли нигоҳларидан қалби пажмурда эди. Шунинг учун, саҳармардонда мардикорликка отланар, аллакимларга ёлланиб, ишлаб топган беш-үн сўм пулини кечқурун уялибгина хотини олдига қўяр, маст бўлган кунлари эса, аёлидан янада кўпроқ ийманарди. Чунки ғоят меҳрибон, мусичадай беозор, мушфиқ ва итоаткор келинга ўзини номуносиб санар: “Барибир мени ташлаб кетади”, -деб ўйларди. (148- б.) Бироқ хотинининг кетиб қолиш нияти йўққа ўхшарди. Одатда, Бойхон кечки емакдан сўнг муздай дераза ойнасидан маҳзун қоронғиликка чўмган торгина ҳовлидаги совуқ урган ўрик дарахтига сўзсиз тикилиб, шундай ҳаёллар гирдобига ғарқ бўларди.

Шу ўринда, ёзувчи воқеалар ривожини пейзаж тасвирига уйғун тарзда чизиб, уни бадиий воқеликнинг муҳим унсурига айлантиради: “Неча-неча баҳорлардан бери гулламайдиган, ғуж-ғуж япроқлари кузнинг оловли дами етмасданоқ сарғайиб, қовжира битадиган бу дарахт, сертомир қадоқ қўллардек шохларини қўкка чўзиб, неларнидир фалакдан сўраётгандай совуқ шамолда дийдираб, чайқалиб турарди.” (148- б.)

Юқоридаги тасвир биринчидан, айни дамда воқеа кечаётган макон ва замон ҳақида тасаввур беради. Иккинчидан, оиланинг иқтисодий аҳволига ишора қиласиди. Учинчидан, ундаги ранглар Бойхоннинг кайфият-руҳияти: азалий оилавий анъаналардан узилиб, ташқи таъсирлар гирдобига тушиб, мўртлашган маънавиятига контрастли фон вазифасини бажаради. Тўртинчидан, сюжет воқеаларини рамзли йўсинда асослайди. Бешинчидан, сюжетнинг қандай йўналишда ривожланишига туртки беради.

Эр-хотин бир-бираига термулиб бекорчи ўтиришдан ўзларини олиб қочишиар: Бойхон унга тик қарашга ботина олмас, келин эса, гап тополмай қийналишдан чўчиб, рўзғор ғимир-ғимирларидан тинмасди. Тўғри, баъзан Бойхон ўз-ўзидан завқи жўшар, келинчакни эркалатгиси, меҳрибонликлар кўрсатгиси келар, лекин бунга журъат этолмас, тўғрироғи бу хил яқинликка ўзини мутлақо ҳақсиз, деб ҳисобларди. Чунки, юриш-туриши, ҳаминқадар топиш-тутиши билан хотини олдида ўзини муттаҳамдай ҳис этарди.

Аммо қайтарилмас вақт фақат келажакка қараб интиларкан, ҳолатлар алмашиниб, ҳаёт давом этади. Ҳиссий мушоҳадалар нисбатан янгиланади. Шу маънода, кунлар бир-бiriни қувиб ўтган сари Бойхон ва келинчак кўнгилларида ҳам оромбахш туйғулар алангаланиб борарди. Жумладан, Бойхон мардикорликдан қайтаркан, ихтиёrsиз тарзда қадамлари тезлашар, нигоҳлар тўқнашинувини ҳаёлан кўз ўнгига келтиаркан, бу ширин ҳиссиётдан кўнглида ажиб бир орзиқишиш ва энтикиш пайдо бўлишини ҳис этарди. Гарчи юмшоқ ўринга сўзсиз ва журъатсиз чўзилса ҳам, тун ўз қора чодирини зинҳор кўттармаслиги, жилла қурса саҳарнинг келиш фурсати уч-тўрт баробар узаймоғини истарди. Будай кезларда, келинчак уни ташлаб албатта онасиникига кетиб қолиши билан боғлиқ онгостида ғимирлаётган умидсиз

ҳислар чекинар, ношукурлик ўрнини ожизона бир умид ва илинж ишғол этарди. Келинчак ҳам ёлғиз қолган кезларида чиройли турмаклаган соchlарини дуррача билан танғиб, рўзгор юмушларига шўнғир ва бундай кезларда ўзининг ширин-шакар хаёллари оғушида завқланиб, лаб-лунжини йиғиштиrolмай қоларди.

Омади юришмай тушдан сўнг шалвирабгина уйга қайтган Бойхон ана шу гўзал манзара, хуш ҳолатнинг шоҳиди бўлади:

“Бойхон бу хушманзарани тўрт-беш дақиқа – то унга хотинининг қўзи тушгунича томоша қилиб тураркан, ногоҳ, димоғига гуп этиб ўрик гулларининг ифори урилгандек туюлди. Боши айланиб кетди.

Хотини у томон илкис назар ташлади-ю, икковлари баравар илжайдилар. Бу уларнинг бир-бировига биринчи самимиy табассуми эди.” (149- б.)

Ажабки, қўз ва лабларнинг шу сўзсиз, овозсиз жестикуляцияси – теран маъноли ҳаракат-ҳолати, нигоҳлар ва юздаги билинар-билинмас кулгичлар ифода этган ишоралар, янада аниқроқ айтганда, ёш келиннинг улар ортида яширин олижаноб қалби Бойхон туйғуларини ҳам мувозанатдан чиқаради. Ҳикоя қаҳрамони бу майнин кулгичлар олдида таслим бўлади. Кечки овқатдан сўнг одатдагидай, деразанинг совуқ ойналари билан юзма-юз бўларкан ўз-ўзига:

“– Йўқ, бундай яшаб бўлмайди. Одамсифат бўлишим керак, одам ...”, дея қайта-қайта уқтиради. (149- б.)

Шу нурли ҳислар роппа-роса уч кун Бойхонни севинч уммоига ғарқ қиласди. Уч кун давомида хотинининг туғилган кунига антиқа совға қилиб, юзидағи гўзал табассумни қайта кўриш, уни баҳтиёр қилишга талпиниб, энтикиб, ҳаяжонланиб, ҳатто ўша арзанда кунни бесабрлик билан кутиб яшайди. Ўзича тортиқ қилинажак совға – сиртига сарғишиш бўёқ билан бир жуфт қуш сурати муҳрланган бежирим ва ялтироқ қўзачани ҳам мўлжаллаб қўяди. Ҳар куни мўъжаз дўконга келиб қўзага суқланиб-суқланиб термулади:

“Унинг назарида қушлар қоп-қора тун аро ҳорғин учиб боришар, митти қўзларида шубҳа-ю ҳадик, умидсизлик ва аламзадалик қалқиб турар, чор-атрофда ҳеч бир қўналға белгиси қўринмас эди” (150- б.)

Назаримизда, мажоз ботинидаги маънолар: бир жуфт қуш – эр хотин; қоп-қора тун – мавжуд вазият (кенг маънода жамият); ҳорғин парвоз – ночорлик; қўналға белгиси йўқлиги – нажот умиди қўринмаслиги чиндан-да, наинки ўз ҳаётларига шубҳа-ю ҳадик, балки умидсизлик ва аламзадалик билан боқаётган икки дил турмушини тамсил қилиши китобхон жисмига титроқ олиб киради. Юрагини алғов-далғов қилиб юборади.

Бироқ Бойхон умидсизланмайди. Унинг бу кездаги кайфият-ҳолатини адиб: “Беихтиёр қушларнинг оёқчалари тагига оппоқ гуллаган ўрик шохи тасвирини туширгиси ва қушларни шу ерга қўндириб чек-чегарасиз парвозни бутқул тугатгиси келиб кетганди”, -тарзида жонлантиради. (150- б.)

Китобхон олдин ҳам Бойхонни ўрик гулларининг ифоридан сармасст ҳолда учратган, унинг гуллаган ўриклар маконидан қушларга қўналға топган навбатдаги романтик ҳаёллари билан танишар экан, новдаларни безаган шу ғунчалар (Х.Олимжон) қалбига оқ-оидин ва нурафшон туйғулар индирганини ҳам ҳис этади. Афуски, ташқарида унинг гўзал ҳаёлларига мутлақо бегона ҳаёт дарёси ўзга бир маром билан мавжланар эди. Шу уч кун ичидаги Бойхон буни пайқайдиган кайфиятда эмасди. Шунинг учун ҳам у ўзи орзиқиб кутган кунда ширин ҳаёллари оғушида чаркоқ нималигини билмай, ғайрати жўшиб, юз-кўзидан табассум аримай меҳнат қиласди. Хотининг кечқурун қувонч ва меҳрдан лов-лов қизаришини ҳаёлида жонлантира-жонлантира дўкончага ошиқди...

Аммо, ароқ магазини олдидаги ички иккиланишни базур жиловлашга уринишлар шунчаки ўз-ўзини алдаш, ногоҳон учраган бетайин оғайнилар эса, жўн бир баҳона – ёнай деб турган оловга сепилган лампамой бўлди холос. Аслида, бетайинлик кўчасига аллақачон кириб бўлган Бойхон ўзига ўхшаган қадрдон ошналарини кескин рад этишга ботина олмасди. Иродаси сустлик бунга имкон бермасди.

Аёнки, ирдодали одамгина ҳаётий мақсадларини аниқ белгилайди. Ўз хатти-ҳаракатини онгли равишда, қатъият билан тўғри ва изчил йўналтира олади. Чунки ирода ва ишонч кишига мавжуд тўсиқларни матонат билан енгишга қодир маънавий-руҳий салоҳият ато этиб, унинг ҳаёт мазмунини белгилаб берувчи муҳим омиллардир. Татькидланганидай, аждодларимиз ирода тарбиясига катта аҳамият қаратиб, халқ ва миллат иродасини эътиқодий асосларда шакллантиришга интилишган. Чунки, улар эътиқоди заиф кимса миллий ва умуминсоний қадриялардан узилиб қолгани боис, унинг ташқи кучлар таъсирига берилиш эҳтимоли ҳам ортишини яхши билишган.

Алоҳида шахс фаолияти наинки ўзига, балки объектив шароитга ҳам боғлиқ. Бордию мақсад аниқ бўлиб, ўз ўрнида зарур қарор қабул қилишда сусткашликка йўл қўйилса, демак бундай тўхтамда объективлик эмас, балки субъектнинг истаклари етакчилик қиласиди. Мақсад англамаган, унга етишиш усуслари нотўғри танланган, бошланган иш охирига етказилмаган ҳолларда ҳам иродасизлик намоён бўлади.

Ҳикояда Л.Бўрихон эр-хотиннинг юқорида эслатилган самимий табассумини бежизга “илжайдилар” демайди. Шу сўз ботинидаги салбий маъно китобхон қалбидан куртаклай бошлаган умид ниҳоли гуркираб авж олишига соя солиб, улар иттифоқи омонат экани, қандайдир нохушлик содир бўлишидан огоҳ этиб турарди. Зотан, ўрикнинг неча-неча баҳорлардан бери гулламаслиги, япроқлари кузга етмасдан сарғайиб қовжираб қолиши, совуқ шамолда дийдираб чайқалиши каби мажозий, ишоравий тасвирлар ўқувчи қалбидан ҳадик туғдириб улгурган эди. Шу боис, гарчи келин оҳорли кийимларни айнан ўрик дарахти шоҳларига илгани билан танишса-да, китобхон кўнглидаги ғуборлар тўла аримайди. Чунки, қариндошлиқ ришталари асосида пайдо бўлган жамиятнинг бу кичик ячейкаси ҳаёти ҳали на моддий, на маънавий-ахлоқий, на руҳий-психологик жиҳатдан етарлича мустаҳкам эмасди. Ниҳоят, ўша ҳадик вақти келиб, чин маънода надомат туйғулари бўлиб қад ростлайди. Бизнингча, бу ҳол иродасизлик орқасидан келувчи шунчаки субутсизлик бўлмай, унинг куйидаги теран илдизлари ҳам мавжуд:

биринчидан, жамият маданий тараққиёти ва ижтимоий муносабатлар тўғри йўлга қўйилмаган. Масалан, ичкиликбозликка қарши оммавий кураш хўжакўрсинга амалга оширилиб, меҳнат жамоаси бир ёш ходимидан воз кечиш билан муаммога чек қўйган, ўзини хотиржам сезган эди. Қаровсиз қолдирилган Бойхон ўзининг жамиятга кераксиз эканини англаган, уй-рўзғорга рисоладагидай қарашишга имконсизлигини теран ҳис қилган сари, йўлсизлик ва мавхумлик сари оғиб бораверади;

иккинчидан, Шарқ моногам оилалари учун хос ментал хусусиятга кўра, кекса она ва ёш келинчак дардини ҳарқанча ичига ютишмасин, рўзғор бут бўлишини оиланинг ягона эркагидан кутишга тўла ҳақли эдилар;

учинчидан, келин учун оила – Аллоҳнинг инояти. Шундай экан, унинг аёллик, муслималик бурчи – бу муқаддас қўргон мустаҳкамлиги учун масъул, қийинчиликларга сабр-бардошли, эрга итоатли, эртадан умидли бўлиш. Уни илжайишга ундан омил ҳам худди ана шу ожизона умид эди. Демак, аслида келин ҳам, бундай яшаб бўлмаслигини ич-ичидан туйар, бироқ ҳали ошкора тан олгиси келмас, ўз ёғига ўзи қоврилиб яшарди.

Бинобарин, Л.Бўрихон персонажлар кундалик турмушини улар руҳий-психологик биографияси билан уйғун ҳолда чизади. Бу ҳол эса, бизга бадиий ижоднинг психологик томонлари, хусусан ҳикояда муаллиф шахсининг акс этиши – ижодкор руҳий биографияси ҳақида ҳам гапириш имконини беради.

Дарҳақиқат, Л.Бўрихон XX асрнинг 80- йиллари иккинчи ярми реал воқелиги билан юзма-юз келиш таъсирида ўз кўнглида пайдо бўлган кечинмалар, онгида кечган фикр-ўйларни бадиий ифодага кўчирган. Шубҳасиз, ўша кезларда ўзини қийнаган дардлар, тафаккурини банд этган ўйларни моддийлаштириб, улардан халос бўлган. Демак, ҳикоя қаҳрамонлари этик, эстетик ва психоаналитик жиҳатдан ўз ижодкори – Л.Бўрихонга, адаб эса, персонажлар қисматига мутлақо бегона эмас.